



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУПЦИЯСИГА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ АХАМИЯТИ.

*Неъматов Азизбек Ғолибжон ўғли**

Аннотация: Мақолада дастлабки тергов жараёнида айбсизлик презумпциясининг аҳамияти, унинг ҳуқуқий моҳияти ва амалий қўлланилиши масалалари таҳлил қилинган. Айбсизлик презумпциясининг конституциявий ва жинойт-процессуал асослари очиб берилган, шунингдек, мазкур принципнинг тергов органлари фаолиятидаги ўрни ёритилган. Дастлабки тергов босқичида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, асоссиз айбловлардан ҳимоя қилиш ҳамда адолатли судловни кафолатлашда айбсизлик презумпциясининг ҳал қилувчи аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: айбсизлик презумпцияси, дастлабки тергов, жинойт процесси, инсон ҳуқуқлари, ҳимоя ҳуқуқи, суд ҳукми, қонунийлик, адолат.

ЗНАЧЕНИЕ СОБЛЮДЕНИЯ ПРЕЗУМПЦИИ НЕВИНОВНОСТИ НА СТАДИИ ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО РАССЛЕДОВАНИЯ

Аннотация: В статье анализируется значение презумпции невиновности на стадии предварительного расследования, раскрывается её правовая сущность и практическое применение. Рассмотрены конституционные и уголовно-процессуальные основы данного принципа, а также его роль в деятельности органов следствия. Обосновано, что презумпция невиновности играет ключевую роль в обеспечении прав и свобод личности, защите от необоснованного обвинения и гарантировании справедливого судебного разбирательства.

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz
azizbek_nematov_696@mail.ru



Ключевые слова: презумпция невиновности, предварительное расследование, уголовный процесс, права человека, право на защиту, судебный приговор, законность, справедливость.

THE IMPORTANCE OF OBSERVING THE PRESUMPTION OF INNOCENCE AT THE STAGE OF PRELIMINARY INVESTIGATION

Abstract: The article analyzes the importance of the presumption of innocence at the stage of preliminary investigation, revealing its legal nature and practical implementation. The constitutional and criminal procedural foundations of this principle are examined, as well as its role in the activities of investigative bodies. It is substantiated that the presumption of innocence plays a crucial role in ensuring individual rights and freedoms, protecting against unfounded accusations, and guaranteeing a fair trial.

Keywords: presumption of innocence, preliminary investigation, criminal procedure, human rights, right to defense, court verdict, legality, justice.

Айбсизлик презумпцияси жиноят процессидаги энг муҳим демократик принциплардан бири ҳисобланади. У инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, шахсининг шаъни ва қадр-қимматини таъминлаш ҳамда адолатли судловни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин тутди. Мазкур принцип, аввало, давлат органларининг шахсга нисбатан муносабатида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиб, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсни асоссиз жавобгарликка тортишдан ҳимоя қилади.

Айбсизлик презумпциясининг моҳиятини тўлиқ англаш учун, энг аввало, “презумпция” тушунчасининг назарий-ҳуқуқий мазмунига эътибор қаратиш лозим. Қомусий манбаларда “презумпция” (лот. *praesumptio*) акс исбот қилинмагунга қадар ҳақиқат деб қабул қилинадиган тахмин сифатида



талқин этилади. Айрим адабиётларда эса мазкур тушунча ёлғонлиги исботланмагунга қадар ҳақиқий деб ҳисобланувчи фараз сифатида изоҳланади. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, презумпция ҳуқуқий воқеликда муайян ҳолатни шартли равишда ҳақиқат сифатида қабул қилишга хизмат қиладиган қоида бўлиб, у фақат белгиланган тартибда рад этилган тақдирдагина ўз кучини йўқотади.

Айнан шу мазмунда айбсизлик презумпцияси шахснинг жиноят содир этганликда айбдорлиги қонунга мувофиқ тартибда исботланмагунга қадар уни айбсиз деб ҳисоблашни назарда тутади. Ушбу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган бўлиб, Асосий Қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ва ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор деб ҳисобланмайди. Бу норма айбсизлик презумпциясининг конституциявий кафолати ҳисобланади.

Конституцияда “ҳар бир шахс” иборасининг қўлланилиши мазкур принцип фақат гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан эмас, балки мамлакат ҳудудида яшовчи барча шахсларга татбиқ этилишини англатади. Бу эса айбсизлик презумпциясининг умумҳуқуқий аҳамиятга эга эканлигини, яъни у нафақат жиноят процесси доирасида, балки давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилганини кўрсатади.

Айбсизлик презумпцияси конституциявий принцип сифатида жиноят-процессуал қонунчиликда ҳам янада ривожлантирилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботланиб, қонуний кучга кирган суд ҳукми билан тасдиқланмагунга қадар айбсиз деб ҳисобланиши қатъий белгиланган.



Ушбу қоидадан келиб чиқадики, жиноят процессида шахсга нисбатан айблов муносабати фақат гумон ёки тахминларга эмас, балки қонунга мувофиқ тартибда тўпланган, текширилган ва суд томонидан баҳоланган далилларга асосланиши лозим. Суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар мавжуд бўлган барча гумон ва шубҳалар шахс фойдасига ҳал этилиши шарт. Бу ҳолат айбсизлик презумпциясининг амалий ифодаси бўлиб, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Шу тарзда, айбсизлик презумпцияси жиноят процессида адолат, қонунийлик ва инсонпарварлик принциплари билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. У нафақат шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилайди, балки давлат органлари фаолияти учун ҳам муҳим ҳуқуқий мезон сифатида хизмат қилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча бартараф этилмаган шубҳалар, шунингдек қонунни қўллаш жараёнида юзага келган ноаниқликлар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Давлат айблов функцияси шахсга нисбатан амалга оширилар экан, унинг ушбу функциядан ҳимояланишида энг асосий кафолат айбсизлик презумпцияси ҳисобланади. Айблов фаолияти шахснинг айблилигини исботлашга қаратилган бўлса-да, бу ҳолат унинг айбдорлигини олдиндан белгилаб қўйишни англатмайди. Айбловнинг мақсади — шахснинг айбини қонунга мувофиқ тартибда исботлашдан иборат. Айбсизлик презумпцияси эса, айб қонун билан белгиланган тартибда ва ваколатли органлар томонидан тасдиқланмагунга қадар шахс айбсиз деб ҳисобланишини назарда тутди.

Дастлабки тергов жараёнида айбсизлик презумпцияси алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан ушбу босқичда шахс гумон қилинувчи сифатида



процессга жалб этилади ва унга нисбатан турли процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Шу боис, тергов органлари ҳар бир процессуал ҳаракатни қонун доирасида, айбсизлик презумпциясига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишлари шарт. Терговчи шахсга нисбатан айблов позициясини шакллантираётганда уни олдиндан айбдор сифатида қабул қилишига йўл қўйилмайди.

Илмий манбаларда айбсизлик презумпцияси жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессининг энг муҳим демократик принципларидан бири сифатида эътироф этилади. У шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, асоссиз айбланиш ва ноқонуний жазолашдан муҳофаза қилади. Шунингдек, мазкур принцип давлат ҳокимиятининг чекланишини таъминлаб, фуқароларни давлат органларининг асоссиз ҳаракатларидан ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Жиноят процессуал ҳуқуқида айбсизлик презумпцияси шундай қоидани, унга мувофиқ гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айби қонун билан белгиланган тартибда исботланмагунга қадар у айбсиз ҳисобланади. Дастлабки терговда исботлаш мажбурияти айблов томонида бўлиб, шахс ўз айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмас. Бу ҳолат тергов жараёнида айблов ва ҳимоя ўртасидаги процессуал мувозанатни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам ушбу қоида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг айбдорлиги қонунга мувофиқ тартибда исботланиб, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан тасдиқланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади. Мазкур норма дастлабки тергов органлари фаолияти учун асосий ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, суддан ташқари ҳеч қайси орган ёки мансабдор шахс кимнидир жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ҳуқуқига эга эмас. Айбдорлик масаласи фақат суд томонидан ҳал қилиниши мумкин. Дастлабки



тергов органлари эса фақат далилларни тўплаш, уларни текшириш ва процессуал тартибда расмийлаштириш ваколатига эга бўлиб, айб ҳақида якуний хулоса чиқариш ҳукуқи уларга берилмаган.

Жиноий жавобгарлик ва жазо фақат суд ҳукми асосида қўлланилиши мумкин. Шу сабабли, дастлабки тергов жараёнида шахсни жиноятчи сифатида баҳолашга йўл қўйилмайди. Бу ҳолат айбсизлик презумпциясининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Республикамизда жиноят процессида ҳимоя ҳукуқини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли қарори муҳим аҳамият касб этади. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳукуқини таъминлаш жиноят иш юритишнинг барча босқичларида қатъий таъминланиши лозимлиги белгиланган.

Мазкур талаблар дастлабки тергов органлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Терговчи ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга оширишда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиши, ҳимоя ҳукуқини таъминлаши, айбсизлик презумпциясини бузмаслиги шарт. Бу эса тергов жараёнида қонунийлик, адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг таъминланишига хизмат қилади. Шунингдек, қарорда иш ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва холисона ўрганиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини қораловчи ҳамда оқловчи ҳолатларни бир хил даражада аниқлаш, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни белгилаш, иш бўйича мавжуд бўлган тахмин ва гумонларни синчиклаб текшириш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Бу эса жиноят процессида тарафлар тенглиги ва тортишувчанлик принципларини амалда таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, жиноят процессида судланувчига нисбатан “гумонда сақлаш” ҳолатига йўл қўйилмаслиги лозим. Зеро, суд муҳокамаси натижасида



шахснинг айби етарли далиллар билан исботланмаса, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилади ва у тўлиқ реабилитация қилинади. Бу ҳолат судланувчининг жиноят содир этганлиги ҳақида ҳар қандай шубҳа ёки фаразлар унинг фойдасига ҳал этилиши лозимлигини англатади. Мазкур ёндашув айбсизлик презумпциясининг мазмуни ва моҳиятини тўлиқ ифодалайди.

Айбсизлик презумпцияси нафақат жиноят процессида муҳим ҳуқуқий принцип сифатида намоён бўлади, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Ушбу принципга мувофиқ, шахснинг айби қонун билан белгиланган тартибда исботланмагунга қадар у айбсиз ҳисобланади ва унга нисбатан жиноятчи сифатида муносабатда бўлишга йўл қўйилмайди.

Айбсизлик презумпциясининг мазмуни ва амал қилиш доирасини янада аниқлаштириш учун “ким айбсиз ҳисобланади – айбланувчими, судланувчими, гумон қилинувчими ёки ҳар қандай фуқароми?” деган саволга жавоб бериш муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, ушбу институтнинг амал қилиш доирасини фақат муайян процессуал мақомга эга шахслар билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган умумий ҳуқуқий қоида бўлиб, у барча фуқароларга нисбатан тенг қўлланилиши лозим.

Шу боис, ҳар қандай шахс, у жиноят процесси иштирокчиси бўладими ёки бўлмайдими, қонун олдида айбсиз деб ҳисобланади ва унинг айбдорлиги фақат суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан тасдиқланиши мумкин. Бу эса ҳуқуқий давлат ва адолатли судловнинг муҳим белгиси сифатида хизмат қилади. Хулоса сифатида айтишимиз керакки, Тергов органлари томонидан жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф қилишда фуқарони суд ҳукми эълон қилинмасдан туриб кенг жамоатчилик олдида муҳокама қилишга йўл



қўйилмоқда. Тергов органлари етарли далиллар бўлсагина шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб тўғрисида қарор чиқаради. Айбланувчини ўз айбига иқдорлиги бошқа далиллар билан ҳақиқатдан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кузнецова, О. А. Презумпции в Российском гражданском праве. – М., 2007. – С.12; Теория государства и права: Учебник / под ред. В.К. Бабаева. – М: Юристъ, 2004. – С.37.; Проблемы теории государства и права / Под ред. М.Н. Марченко. – М.: ООО “Проспект-Н”, 2001. – С.24.

2. Материал из Википедии – свободной энциклопедии: ru.wikipedia.org/wiki/Презумпция; Словари и энциклопедии на Академике: дис.асадемис.ру

3. Иноғомжонова З.Ф., Иноғомжонов Айбсизлик презумпцияси. Илмий рисола. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

4. Конин В.В. Презумпция невиновности: точка зрения защиты // Принцип презумпции невиновности и его значение на современном этапе. Сборник научных трудов / под общей редакцией д.ю.н. проф. Т.С. Волчецкой. Издательство Калининградского государственного университета, 2001. – С.51.

5. Клямко Э.И. О правовом содержании презумпции невиновности // Государство и право. – 1994. – № 2. – С.17.; Савицкий В.М. Презумпция невиновности. – М., 1997. – С.21

6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир: Н. Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2009.; Большая юридическая энциклопедия. Авторский коллектив. – М.: Эксмо, 2008. – С. 548.; Юридический энциклопедический словарь. – М.: Инфра-М, 2009. – С.163. ва б.қ.

7. Ўзбекистон Республикаси Кодекслари 1-жилд “Адолат”. – Б.127.

8. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительные органы, - Ташкент: ТГЮИ, 2003. - 69 с.